

## **«O'ZSUVLOYINA» АЖ ташкилий тузилмасига тушунтириш хати**

«O'ZSUVLOYINA» АЖ ташкилий тузилмаси жамият акциядорларининг 2022 йил 14 мартдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган.

«O'ZSUVLOYINA» акциядорлик жамияти Уставига мувофиқ, акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва бош директор жамиятнинг бошқарув органлари ҳисобланади.

Ҳозирги кунда «O'ZSUVLOYINA» акциядорлик жамияти ходимлари сони штат бўйича 183 бирликдан иборат, шу жумладан:

- маъмурий-бошқарув ходимлари 22 бирлик,
- ишлаб чиқариш бўлимлари 125 бирлик,
- ёрдамчи бўлимлар 36 бирлик.

«O'ZSUVLOYINA» акциядорлик жамияти ташкилий тузилмасига мувофиқ, бош директор ва таркибий бўлинмалар раҳбарлари иш тавсифларига кўра ўз функционал вазифаларини бажарадилар. Бош директор ўзига берилган ҳуқуқлар доирасида ишни ташкил қилади ва ишлаб чиқариш бўлинмалари, бўлинмаларининг самарали ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштиради, барча масалаларни ҳал қилади.

«O'ZSUVLOYINA» АЖ таркибида қуйидагилар мавжуд:

### **Вилоятлар мелиоратив бўлимлари**

#### **Сирдарё ҳавзаси бўлимлари:**

- Тошкент вилояти гуруҳи;
- Сирдарё ва Жиззах вилоятлари гуруҳи.

#### **Амударё ҳавзаси бўлимлари:**

- Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари гуруҳи;
- Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон гуруҳи;
- Қуйи Амударё гуруҳи.

#### **Ихтисослашган бўлимлар:**

- Металл конструкциялар бўлими;
- Сирдарё вилояти сув хўжалиги объектларини лойиҳалаш гуруҳи;
- Машинали суғориш бўлими;
- Ишлаб чиқариш ишларини ташкил этиш ва лойиҳалаш бўлими;
- Сел-сув омборларини лойиҳалаш бўлими;
- Гидротехник иншоотлари, кўприклар ва сув омборлари бўлими;
- Мелиоратив қурилиш иқтисодиёти бўлими;
- Электротехника бўлими;
- Ҳисоблаш ишлари ва смета бўлими;
- Сув таъминоти бўлими;
- Қашқадарё вилояти филиали;
- Илмий тадқиқотлар бўлими;
- Компьютер маркази ва лойиҳа-смета ҳужжатларини расмийлаштириш бўлими.

#### **Тадқиқотлар бўлимлари:**

- Геология ва гидрогеология бўлими;
- Топогеодезия ишлари бўлими;
- Гидрология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўлими.